

Ҳ У К М
Ўзбекистон Республикаси номидан

2026 йил февраль ойининг 10 куни, жиноят ишлари бўйича Мирзачўл туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, видеоконференцалоқа режимида,

Раислик қилувчи: А.Шайдоев,

судья ёрдамчиси А.Нарзуллаевнинг котиблигида, томонлардан Мирзачўл туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Абдусодиқов, судланувчи Г.К ва унинг ҳимоячиси адвокат Ш.Примқулов, жабрланувчи П.Тойчиева, С.Ирисметова, У.Маткаримов, А.Сувонов, З.Сулаймонова, Г.Суванова, Д.Йўлдошбоев, А.Комилова, У.Камилова, Н.Камилова, М.Камилова, К.Камилов, С.Нурманбетова, Л.Хакимжонов ва Ш.Маткаримоваларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган К.Г.Рга нисбатан № 1-1302-2601/13-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

К.Г.Р - 1959 йил 16 июлда Тошкент вилоятининг Ўртачирчик туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 5 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланган, судланганлик ҳолати тугалланган, нафақахўр, [REDACTED]

[REDACTED] -уйда яшовчи, иш бўйича “Муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нухасини 2025 йилнинг 29 декабрь кунида олган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг қонуний вакили ҳамда фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Г.К 2025 йил 13 ноябрь куни соат 17-00 ларда, ўзига тегишли бўлган бошқарувидаги “Toyota Kostar” русумли, 10W534LB давлат рақам белиги йўловчи ташувчи транспорт воситани Шароф Рашидов тумани худудидан ўтган Тошкент-Термиз М-39 автомобил йўлини 977 км.да Тошкент йўналиши бўйлаб бошқариб кетаётиб, амалда бўлган “Йўл ҳаракати Қоидалари”нинг 4-банди “Йўл ҳаракати иштирокчилари йўлдаги бошқа ҳаракат иштирокчиларининг ҳаракатланишига тўсқинлик қилмаслиги ва хавф туғдирмасликлари керак”лиги, 12-банди 1-қисми “ҳайдовчи транспорт воситасини йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган чарчоқлик ҳолатида бошқариш тақиқланиши”, 77-банди 2-қисми “Тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатланишини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериш керак” 77-банди 3-қисми “Ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш пайтида аниқлай олиши мумкин бўлган хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўлиқ тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки



тўсиқни бошқа ҳаракат иштирокчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” лиги кўрсатиб ўтилган бўлса-да, ушбу қоида талабларини кўпол равишда бузиб, чарчоқ ва толиқиш сабабли рул бошқарувни йўқотиши натижасида Тошкент йўналиши ўнг четки обочина қисмига ўрнатилган бетон тўсиққа урилиб, йўл улов ҳодисаси содир этиши оқибатида, судга оид тиббий экспертизанинг 2025 йил 28 ноябрдаги 4116-4163-сонли хулосаларига кўра, автомашинада йўловчи сифатида кетаётган жабрланувчилар Н.Камилова, М.Камилова, К.Камилов, С.Нурманбетова, З.Сулаймонова, А.Узганбоев, Л.Ҳакимжонова ва Ш.Маткаримованинг соғлиғининг бузилишига олиб келмаган енгил тан жароҳатлари, шунингдек, жабрланувчилар Д.Йўлдошбоев, С.Ирисметова, У.Камилова ва Н.Камилованинг соғлиғининг бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати, бундан ташқари, жабрланувчилар У.Маткаримов, Г.Суванова, А.Суванов ва А.Камилованинг ўртача оғирликдаги тан жароҳатлари, худди шунингдек, жабрланувчи П.Тойчиеванинг ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати олишига сабабчи бўлган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Г.К, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2025 йил 11 ноябрь куни соат 12-00 ларда, ўзига тегишли бўлган бошқарувидаги “Toyota Kostar” русумли, 10W534LB давлат рақам белиги йўловчи ташувчи транспорт воситасини бюртмага асосан 23 нафар йўловчи билан Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидани Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманига тўйга олиб боргани, 12 ноябрь куни саот 10-00 ларда белгиланган манзилга етиб боришгани, сўнгра у етиб ухлаб дам олгани ва шу куни соат 18-00 ларда тўйхонадан йўловчиларни олиб яна қайтиб Тошкент вилоятига қараб йўлга чиқишгани, 13 ноябрь куни тонгги соат 06-00 ларда Бухоро вилояти ҳудудига етганларида у бир соатлар етиб ухлаб дам олгани, сўнгра яна йўлга чиқишгани, Самарқанд шаҳрига етиб келиб, зиёратга кириб чиқишгани, Булунғур туманида тушлик қилишиб, яна йўлга чиқишгани, Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов тумани ҳудудидан ўтган Тошкент-Термиз М-39 автомобил йўлини 977 км.да Тошкент йўналиши бўйлаб бошқариб кетаётганида, чарчоқ ва толиқиш сабабли бўлса керак рул бошқарувни йўқотиши натижасида Тошкент йўналиши ўнг четки обочина қисмига ўрнатилган бетон тўсиққа урилиб кетгани, бу ҳолатдан тўсатдан юз бергани ва у нима бўлганлигини англамай қолгани, натижада автомашинада бўлган йўловчилар турли даражадаги тан жароҳатлари олишганлигини, у суриштирув ва тергов ҳаракатлари жараёнида жабрланувчиларга имкон қадар уларнинг даволанишлари учун моддий томондан ёрдам қилишга ҳаракат қилгани, содир этган йўл транспорти учун жабрланувчилардан кечирим сўрашлигини ва қилган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда эканлигини билдириб, суддан унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Сувонов Аваз Ўзганбоевич, судланувчи Г.К томонидан содир этилган йўл транспорти ҳодисаси натижасида тан жароҳати олгани ва бугунги кунга қадар



даволаниши 4.806.400 сўмлик харажат қилганлигини билдириб, даволаниши учун сарфлаган харажатларининг тасдиқловчи ҳужжатларини нусхасини судга тақдим этиб, суддан судланувчи Г.Кга нисбатан қонуний чора кўришни ва уни фойдасига судланувчидан етказилган 4.806.400 сўмлик моддий зарар ҳамда маънавий зарарарни ундириб беришни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Комилова Азиза Исмаевна ва Камилова Угилай Усманиевичлар, судланувчи Г.К томонидан содир этилган йўл транспорти ҳодисаси натижасида тан жароҳати олганликларини ва бугунги кунга қадар даволанишлари 15.661.786 сўмлик харажат қилишганлигини билдиришиб, даволанишлари учун сарфлаган харажатларининг тасдиқловчи ҳужжатларини нусхасини судга тақдим этишиб, суддан судланувчи Г.Кга нисбатан қонуний чора кўришни ва уларни фойдасига судланувчидан етказилган 15.661.786 сўмлик моддий зарар ҳамда маънавий зарарарни ундириб беришни сўрашди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Маткаримов Улуғбек Хаётжонович, судланувчи Г.К томонидан содир этилган йўл транспорти ҳодисаси натижасида тан жароҳати олгани ва бугунги кунга қадар даволаниши 1.507.600 сўмлик харажат қилганлигини билдириб, даволаниши учун сарфлаган харажатларининг тасдиқловчи ҳужжатларини нусхасини судга тақдим этиб, суддан судланувчи Г.Кга нисбатан қонуний чора кўришни ва уни фойдасига судланувчидан етказилган 1.507.600 сўмлик моддий зарар ҳамда маънавий зарарарни ундириб беришни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Йўлдошбоев Диёрбек Динмурод ўғли, судланувчи Г.К томонидан содир этилган йўл транспорти ҳодисаси натижасида тан жароҳати олгани ва бугунги кунга қадар даволаниши 7.608.320 сўмлик харажат қилганлигини билдириб, даволаниши учун сарфлаган харажатларининг тасдиқловчи ҳужжатларини нусхасини судга тақдим этиб, суддан судланувчи Г.Кга нисбатан қонуний чора кўришни ва уни фойдасига судланувчидан етказилган 7.608.320 сўмлик моддий зарар ҳамда маънавий зарарарни ундириб беришни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Тойчиева Парида Исометова, Ирисметова Сайара Расулматовна, Сулаймонова Зухра Машрабхужаевна, Суванова Гуландом Рахматхужаевна, Камилова Нигина Юсупбековна, Камилова Муборак Кабилджановна, Камилов Каримжон Кабилджанович, Нурманбетова Севара Ҳамза қизи, Хақимжонов Лазизжон Илхом ўғли ва Маткаримова Шоқира Абдиганиевичлар, судланувчи Г.К томонидан содир этилган йўл транспорти ҳодисаси натижасида тан жароҳати олганликлари сабабли суддан судланувчи Г.Кга нисбатан қонуний чора кўришни ва уларни фойдасига судланувчидан етказилган моддий зарар ҳамда маънавий зарарарларни ундириб беришни сўрашди.

Суд, суд мажлисида тўпланган далилларга баҳо бериб, судланувчи Г.К гарчи ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдирса-да, унинг қилмиш жиноий ҳаракатлари суриштирув давомида тўпланган бирламчи ҳужжатлар, жумладан, ЙТХ содир этилгани хусусидаги билдирги, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган чизма, судга оид автотехника ва



транспорт изшунослик экспертиза хулосалари ва унга илова фотосуратлар, СТЭ хулосалари, жабрланувчиларнинг кўрсатувлари ҳамда жиноят ишидаги бошқа тўпланган далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини тўлиқ топган деб ҳисоблайди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарори талабларидан келиб чиқиб, тергов органи томонидан судланувчи Г.Книнг ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Г.Кга жазо тури ва миқдорини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисидаги” 1-сонли қарорида белгиланган раҳбарий тушунтиришларга амал қилиб, унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, нафахўрлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда эканлигини ЖКнинг 55-моддасига кўра, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг ҳаракатида ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, унга нисбатан у айбланаётган модда санкцияси доирасида жазо тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Шунингдек, суд, судда жабрланувчлар томонидан уларнинг даволанишлари учун сарфланган харажатларнинг ҳужжатлари тақдим этилгани боис, ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи Г.Кдан жабрланувчи А.Сувонов фойдасига 4.806.400 сўм, жабрланувчилар А.Комилова ва У.Камилова фойдасига 15.661.786 сўм, жабрланувчи У.Маткаримов фойдасига 1.507.600 сўм ва жабрланувчи Д.Йўлдошбоев фойдасига 7.608.320 сўм ундиришни белгилашни лозим топади.

Бундан ташқари, суд, жабрланувчилар П.Тойчиева, С.Ирисметова, У.Маткаримов, А.Сувонов, З.Сулаймонова, Г.Суванова, Д.Йўлдошбоев, А.Комилова, У.Камилова, Н.Камилова, М.Камилова, К.Камилов, С.Нурманбетова, Л.Ҳакимжонов ва Ш.Маткаримовага жиноят оқибатида етказилган моддий ҳамда маънавий зарарларни судланувчи Г.Кдан ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473, 475-моддаларига асосан суд ҳукм қилади;

Ҳ У К М :

Судланувчи К.Г.Р Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан 2 (икки) йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 2 (икки) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Г.К ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш



жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойи, яъни [REDACTED] -уйдан чиқиши чеклансин.

Ҳукм қонуний кучга киргач судланувчи Г.К зиммасига:

- оммавий ва бошқа тадбирлар (сайёр қабул ва дафн маросимлари мустасно) ўтказишда иштирок этмаслик;

- яшаш ва иш жойини ҳукмнинг ижросини назорат қилувчи орган рухсатсиз ўзгартирмаслик;

- Тошкент вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча мажбурият, чеклаш ва тақиқлар юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасига асосан тайинланган жазолар ҳар қайсиси алоҳида ижро этилсин.

Муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо муддати ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб, озодликни чеклаш жазосининг ўташ муддати эса ҳукм жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Тайинланган жазоларининг ижросини назорат қилиш судланувчи Г.Книнг яшаш жойидаги Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ туман ИИБ пробадия хизмати зиммасига юклатилсин.

Судланувчи Г.К ўрнатилган таъқиқ (чеклов) ва мажбуриятларни бузган тақдирда, унга нисбатан қўлланилган жазо бошқа оғирроқ турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи Г.Кга қўлланилган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи Г.Кдан жабрланувчи Сувонов Аваз Ўзганбоевич фойдасига 4.806.400 сўм, жабрланувчилар Комилова Азиза Исмаиловна ва Камилова Угилай Усманиевна фойдасига 15.661.786 сўм, жабрланувчи Маткаримов Улуғбек Хаётжонович фойдасига 1.507.600 сўм ва жабрланувчи Йўлдошбоев Диёрбек Динмурод ўғли фойдасига 7.608.320 сўм ундирилсин.

Жабрланувчилар Тойчиева Парида Исометова, Ирисметова Сайара Расулматовна, Маткаримов Улуғбек Хаётжонович, Сувонов Аваз Ўзганбоевич, Сулаймонова Зухра Машрабхужаевна, Суванова Гуландом Рахматхужаевна, Йўлдошбоев Диёрбек Динмурод ўғли, Комилова Азиза Исмаиловна, Камилова Угилай Усманиевна, Камилова Нигина Юсупбековна, Камилова Муборак Кабилджановна, Камилов Каримжон Кабилджанович, Нурманбетова Севара Ҳамза қизи, Хақимжонов Лазизжон Илхом ўғли ва Маткаримова Шокира Абдиганиевналарга жиноят оқибатида етказилган моддий ҳамда маънавий зарарларни судланувчи Г.Кдан ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик судига муурожаат қилиш ҳуқуқлари тушунтирилсин.

Жабрланувчи Камилов Каримжон Кабилджановичнинг жиноят оқибатида етказилган зарар юзасидан судланувчи Г.Кга нисбатан даъвоси йўлиги инобатга олинсин.



Ҳукмдан норози томонлар, шу жумладан, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган вақтдан бошлаб, ўн сутка муддат ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач эса кассация тартибида, шу суд орқали Жиззах вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят қилишга, прокурор эса протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи :

А.Шайдоев

